

Хатми Қуръонга марҳабо!



00:04 / 19.05.2020 1883

Бугун, 2020 йил 19 май, сешанба куни, 1441 йил Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечасида хатми Қуръон ниҳоясига етказилади. Шу муносабат билан барчангизни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» масжиди ноиб имоми Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид томонидан ўқиладиган Қуръони Карим хатмининг якунини биргаликда тинглаб, хатми Қуръон дуосида ҳозир бўлишга таклиф қиламиз.

Азизлар, хатми Қуръондан кейинги дуоларнинг мустажоб бўлишидан, Қадр кечасида қилинган тавба-тазарруларнинг қабул бўлишидан умидвор бўлган ҳолда, чин қалбдан, холис дуолар қилиб, барча ўтганларимизнинг руҳларини шод қилайлик, юртимизга, бутун дунёга тинчлик-хотиржамлик тилайлик, барча эзгу тилакларимизни сўраб, Аллоҳ таолога ёлворайлик.

Хатмона Тошкент вақти билан соат 21:00 да бошланади.

Тингловчиларимизга қулайлик учун оятларнинг арабча матни ҳамда дуоларнинг таржимаси бериб борилади.

Хатмонамиз барча ижтимоий тармоқларимиз орқали эфирга узатилади.

Аллоҳ таоло Рамазон ойида қилинган барча тоат-ибодатларимизни, хатми Қуръонларимизни ҳусни қабул айлаб, дуоларимиз ижобат бўлишини насиб қилсин!